

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛЛАМУРАТОВ ШУХРАТ АШУРОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ КОММУНИКАЦИЯСИ ВА САВДО - ТРАНЗИТ**  
**ТИЗИМИДА АМУДАРЁНИНГ ЎРНИ (XIX - XX аср бошлари)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Алламуратов Шухрат Ашурович**

Марказий Осиё коммуникацияси ва савдо - транзит тизимида Амударёнинг ўрни (XIX - XX аср бошлари).....3

**Алламуратов Шухрат Ашурович**

Роль Аму-Дарьи в торгово-транзитной системе и коммуникации Центральной Азии (XIX - начало XX в.в.)..... 25

**Allamuratov Shukhrat Ashurovich**

The role of the Amu Darya in the trade-transit system and communications of Central Asia (XIX - early XX centuries) ..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD. 03/30.12.2019. Tar.78.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АЛЛАМУРАТОВ ШУХРАТ АШУРОВИЧ**

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ КОММУНИКАЦИЯСИ ВА САВДО - ТРАНЗИТ**  
**ТИЗИМИДА АМУДАРЁНИНГ ЎРНИ (XIX - XX аср бошлари)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Термиз - 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Таг795 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тил (ўзбек, рус, инглиз(резюме))да Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.letsu.uz](http://www.letsu.uz)) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим тармоғи порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қобулов Эшболта Атамуратович тарих фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Холиқова Раҳбар Эргашевна тарих фанлари доктори, профессор  Мавланов Ўктам Махмасабирович тарих фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019. Таг.78.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» 11 соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол Авлод кўчаси, 43 уй) Тел.: (99876) 221-74-55, факс: (376) 221-71-17, e-mail: [termizdu@gmail.uz](mailto:termizdu@gmail.uz)).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (85-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, ТерДУ Баркамол Авлод кўчаси, № 43 уй. Тел.: (99876) 224-15-82, факс: (376) 221-74-55, 221-71-17 e-mail: [termizdu@gmail.uz](mailto:termizdu@gmail.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил «10» 11 кун тарқатилди (2022 йил «10» 11 даги 13 рақамли рессётр баённомаси).

  
С. Н. Турсунов  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, тарих фанлари доктори, профессор  
  
Х. Э. Холмўминов  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
котиби, тарих фанлари номзоди, доцент  
  
Т. Р. Шардаев  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, тарих фанлари доктори,  
доцент

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда юз бераётган глобаллашув даврида минтақалар ва мамлакатларнинг интеграциялашувини транспорт-коммуникация тизими тармоқлари, савдо ва транзит<sup>1</sup> алоқаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай савдо ва транзит алоқалари учун сув йўллари арзон йўналиш ҳисобланиши туфайли халқаро ташкилотлар томонидан жаҳонда хавфсиз ва сифатли хизмат кўрсатувчи алоқа йўллари янада такомиллаштириш, унинг замонавий инфратузилмасини яратиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Дунёнинг ривожланган АҚШ, Англия, Испания, Нидерландия, Италия, Туркия, Япония, Хитой, Россия каби мамлакатлари етакчи илмий-тадқиқот марказлари томонидан жаҳон миқёсидаги сув йўллари коммуникацияси ва улар билан боғлиқ савдо-транзит алоқалари тарихини ўрганиш борасида мукамал илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, Марказий Осиёда минтақавий ва халқаро коммуникация тармоқларини ривожлантириш, улардаги инфратузилма объектларини янада такомиллаштириш, соҳага илғор инновацияларни кенг жорий қилиш, савдо-транзит тизимида ички сув ҳавзаларидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, дарёлар орқали юк ташувини амалга ошириш жараёнида унинг экология ҳамда атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар самарасида Марказий Осиё, қолаверса, Ўзбекистон тарихида минтақа учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Амударё сув йўли ва кечувлари халқлар ўртасида алоқа воситаси эканлиги, уларнинг савдо-транзит муносабатларидаги роли муаммосини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга бўлган масаладир. Айниқса, "...азалдан Буюк ипак йўли, Буюк Ҳинд савдо йўлларида жойлашган Марказий Осиё геостратегик ўрнашувига кўра, минг йиллар давомида жаҳон миқёсидаги муҳим жараёнлар марказида бўлиб келган. Бизнинг минтақамиз Европа, Яқин Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғлайдиган ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилган"<sup>2</sup>. Бу борада XIX - XX аср бошларида Амударёдаги кемасозлик, сув транспорти воситаларининг навигацияси<sup>3</sup>, логистика-сервис хизматлари, ички ва ташқи савдо-транзит алоқаларини ўрганиш минтақа тарихида долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал

<sup>1</sup> Транзит (лот. *transitus* – ўтиш жойи) — йўловчи ва юкларни бир пунктдан бошқасига оралиқ пунктлар орқали ташиш. Юкларни ташиш ёки ўтказиш қуйидагича амалга оширилиши мумкин: курук йўл орқали, сув йўли орқали ва ҳаво йўли орқали / Материал из Википедии — свободной энциклопедии. [электрон ресурс] <https://uz.wikipedia.org/wiki/Tranzit> [Мурожаат қилинган сана: 11.03.2022]

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: "O'zbekiston", 2021. – Б. 38.

<sup>3</sup> Навигация (лот. *navigo* – кемада сузаман) – 1) кемаларда сузиш ва қатнов; 2) маҳаллий иклим шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, денгиз, дарё ва бошқа сув ҳавзаларида кемачиликка имкон берадиган мавсум (*Батафсил маълумот: Навигация// QOMUS.INFO onlayn ensiklopediya* [электрон ресурс]. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-n/navigatsiya-uz/>) [Мурожаат қилинган сана: 10.03.2022]

ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари ва соҳавий вазирлик, идораларнинг 2010 йил 12 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси кема қатнайдиغان сув йўлларида фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори<sup>4</sup> ҳамда соҳага доир бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мавзуга оид адабиётларни тўрт гуруҳга бўлиш мумкин:

*Биринчи гуруҳга* оид адабиётлар Россия империяси бошқаруви арафасида (Н.Муравьев, Е.К.Мейендорф, Н.В.Ханыков, Н.П.Игнатъев, П.И.Небольсин<sup>5</sup> ва бошқалар) ва Россия империяси мустамлакачилиги даврларида (Н.А.Маев, Быков, Архипов, Гинтылло, М.В.Грулев, Д.Н.Логофет, А.Е.Снесарев, В.Третеский, А.Ф.Губаревич-Радобыльский, А.М.Михайлов, Н.И.Гейциг, А.Г.Ананьев, Н.А.Бенцелевич<sup>6</sup> ва бошқалар) ўлкага келган элчилар, сайёҳлар

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/>

<sup>5</sup> Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 годах, гвардейского генерального штаба капитана Николая Муравьева, посланного в эти страны для переговоров. Ч. I, II. – М.: Август Семен, 1822; Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М.: Наука, 1975; Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб., 1843; Игнатъев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году флигель-адъютанта полковника Н.Игнатъева. – СПб., 1897; Небольсин П.И. Очерки торговли России с Средней Азией // Записки ИРГО. Кн. X. – СПб., 1855.

<sup>6</sup> Маев Н.А. Очерки Бухарского ханства // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. V. – СПб., 1879; Капитан Быков. Очерк переправ через реку Амударью (рекогносцировка 3- Западно-Сибирского Линейного батальона Штабс-капитана Быкова). – Ташкент, 1879; Ўша муаллиф. Очерк долины Амударьи // Сб. геог., топог. и стат. мат. по Азии. Вып. IX. – СПб., 1884; Капитан Архипов. Военная рекогносцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. // Сб. геог., топог. и стат. мат. по Азии. Вып. X. – СПб., 1884; Капитан Гинтылло. Сведения по интендантской части, собранные в Бухаре // Сб. геог., топог. и стат. мат. по Азии. Вып. XXI. – СПб., 1886; Грулев М.В. Аму-Дарья (Очерк среднего течения). – Ташкент: ШТВО, 1900; Ўша муаллиф. Некоторые географико – статистические данные, относящиеся к участкам Аму-Дарьи между Чорджуем и Патта-Киссаром // Известия Туркестанского отдела русского географического общества. Том II, Вып. I. – СПб., 1900; Сведения, касающиеся стран, сопредельных с Туркестанским военным округом. Вып. 2 / Сост.: подполковник М.В. Грулев, Штаб Туркестанского военного округа. – Ташкент, 1898; Соперничество России и Англии в Средней Азии. – СПб.: В.Березовский, 1909; Логофет Д.Н. Переправы на Аму-Дарье и Пяндже // Туркестанские ведомости. – 1906. № 106; Ўша муаллиф. Хлебная торговля и запасы Восточной Бухары // Туркестанский сборник. Том 417. – Ташкент, 1907; Русско-афганская торговля // Туркестанские ведомости. – 1908. № 203; Страна безправия. Бухарское ханство и его современное состояние. – СПб.: В.Березовский, 1909; На границах Средней Азии. Путевые очерки в 3 книгах. Книга 2. Русско-афганская граница. – СПб.: В.Березовский, 1909; На границах Средней Азии. Путевые очерки в 3 книгах. Книга 3. Бухарско-афганская граница. – СПб.: В.Березовский, 1909; Бухарское ханство под русским протекторатом. Том I, II. – СПб.: В.Березовский, 1911; В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии. – М.: печатня А.И.Снегирева 1912; Снесарев А.Е. Восточная Бухара (военно-географический очерк). – СПб.: Воен.-стат. отд. Гл. упр. Ген. Штаба, 1906; Третеский В. Аму-Дарья и ее флотилия. – Чарджуй, тип. Х.М.Баранова, 1906;

ҳамда бошқарув маъмурияти, ҳарбий идораларнинг амалдорлари томонидан эълон қилинган хотира эсдаликлари, ҳисобот тўпламлар, рисола асарлари, даврий нашрлардаги мақолаларни ўз ичига олади. Уларда Амударё сув йўли, кечувлар, дарёдаги кемасозлик ҳолати, дарё орқали олиб борилган савдо ва транзит алоқаларига оид маълумотлар қайд этилган. Аммо ушбу даврда чоп этилган асарларнинг аксарияти Россия империяси мустамлакачилик манфаати нуқтаи-назари асосида ёндашилиб, уларда сув йўлларининг савдо муносабатларидаги ўрнига ҳолисона баҳо берилмаган.

*Иккинчи гуруҳ* – совет даврига оид адабиётлар ҳисобланади. Бу гуруҳга оид И.А.Ремез, В.В.Цинзерлинг, А.Андроновларнинг асарларида Амударё гидрогеографияси, ундаги сув транспорт воситалари ва кечувларнинг савдо муносабатларидаги ўрни ҳамда дарёнинг ирригацион имкониятларига доир масалалар баён этилган<sup>7</sup>. XX асрнинг иккинчи ярмида А.Р.Муҳаммаджонов, Т.Неъматов, В.Я.Нелюбин, М.Ю.Юлдашев, А.С.Содиқов, М.А.Бобоҳўжаев, Б.И.Искандаров, Ҳ.Зиёев, Т.Г.Тўхтаметовлар томонидан ёзилган асарларда қисман бўлса-да Амударё сув йўли ва кечувлари орқали амалга оширилган алоқалар ҳамда ундаги кемасозликка оид маълумотларни учратиш мумкин<sup>8</sup>. Совет ҳуқмронлиги йилларида яратилган асарларда совет мафкуравий таъсирининг кучли эканлиги сезилиб туради.

*Учинчи гуруҳ* адабиётларига мустақиллик йилларида яратилган илмий асарлар ва тадқиқотларни киритиш мумкин. Марказий Осиё коммуникацияси тизимида Амударё сув йўлининг ўрни масаласи Э.В.Ртвеладзе, Ў.М.Мавлонов, Т.Т.Сафаров, С.А.Сулаймонов, Я.А.Каримовларнинг диссертацион

---

Губаревич-Радобильский А.Ф. Экономический очерк Бухары и Туниса. Опыт сравнительного исследования двух систем протектората. – СПб.: тип. В.Киршбаума, 1905; Ўша муаллиф. Значение Туркестана в торговле России с сопредельными странами Азии // Главное управление землеустройства и земледелия. Хлопковый комитет. Материалы для изучения хлопководства. Вып. II. – СПб.: тип. В.Ф.Киршбаума, 1912; Михайлов А. Каючный промысел на Амударье // Туркестанские ведомости. – 1908. № 212, 213, 219, 220, 221; Гейциг Н.И. Казенное судоходство по реке Амударье и нужды сельского хозяйства в путях сообщения // Туркестанские ведомости. – 1908. № 206, 207; Ананьев А.Г. Орошение «Шерабадской долины» водами реки Сурхана. – Ташкент: тип. Канц. Турк. Ген.-Губ., 1911; Ўша муаллиф. Шерабадская долина. – СПб., 1914; Бенцелевич Н.А. Водные пути Туркестана. Материалы для описания русских рек и истории улучшения их судоходных условий. Вып. LV. – СПб.: М-во путей сообщения, 1914.

<sup>7</sup> Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. – Ташкент: ЦСУ Туркеспублики, 1922; Андронов А. Каючный транспорт в Средней Азии // Народное хозяйство Средней Азии. – Ташкент: Госиздат, 1926. № 8-9; Цинзерлинг В.В. Орошение на Аму-Дарье. – М.: Упр. вод. хоз. Средней Азии, 1927.

<sup>8</sup> Муҳаммаджонов А.Р., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар (XIX асрнинг 20-50 йиллари). – Тошкент: ЎзССР ФА, 1957; Нелюбин В.Я. Из опыта работы судоводителей Аму-Дарья. – М.: Морской транспорт, 1958; Ўша муаллиф. Аму-Дарья. – М.: Морской транспорт, 1963; Юлдашев М.Ю. К истории Аральской флотилии // Общественные науки в Узбекистане. – 1961. № 12; Бабаходжаев М.А. Русско-афганские торговые отношения через Среднюю Азию в 80-90 годах XIX в. // Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока в XVIII – начале XX в. – Ташкент: АН УзССР, 1963; Ўша муаллиф. Русско-афганские торгово-экономические отношения во второй половине XVIII – начале XIX в. – Ташкент: Наука, 1965; Искандаров Б.И. Восточная Бухара и Памир во второй половине XIX в. Ч. II. – Душанбе: Изд-во АН ТаджССР, 1963; Садыков А.С. Экономические связи Хивы с Россией во второй половине XIX - начале XX вв. – Ташкент: Наука, 1965; Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX асрлар). – Тошкент: Фан, 1965; Ўша муаллиф. XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. – Тошкент: Фан, 1973; Тухтаметов Т.Г. Русско-бухарские отношения в конце XIX - начале XX в. Победа Бухарской народной революции. – Ташкент: Фан, 1966; Ўша муаллиф. Россия и Бухарский эмират в начале XX века. – Душанбе: Ирфон, 1977.

тадқиқотлари, монографиялари ва бир қатор мақолаларида ўз аксини топган<sup>9</sup>. Шунингдек, С.Н.Турсунов, Р.Э.Холиқова, Э.А.Қобулов, Р.Р.Алимова, Ш.Ж.Саидов, Д.Х.Разоқов, Ф.Б.Очилдиев, Н.Н.Турсунов, Х.Ж.Хидиров ва Ф.Б.Жуманиёзовларнинг тадқиқот ишларида ҳам ушбу мавзу учун керакли маълумотлар келтириб ўтилган<sup>10</sup>.

*Тўртинчи гуруҳ* – хориж адабиётларидир. XIX-XX аср бошларида минтақага турли мақсадларда ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар, хусусан,

<sup>9</sup> Ртвеладзе Э.В. Древний Термез в системе Амударьинских переправ // Общественные науки в Узбекистане. – 2002. № 2; Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. – Ташкент: MEDIA LAND, 2002; Переправы и дороги Бактрии // Мозийдан садо. – 2003. № 3,4; Великий индийский путь: из истории важнейших торговых дорог Евразии. – СПб.: Нестор-История, 2012; Мавлонов Ў., Маҳкамova Д. Маданий алоқалар ва савдо йўллари. – Тошкент: Akademiya, 2004; Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиши босқичлари. – Тошкент: Akademiya, 2008; Ўша муаллиф. Ўрта Осиёнинг алоқа ва савдо йўллари: шаклланиши ва ривожланиши босқичлари. Тарих фанлари доктори ... дисс. – Тошкент: ДБА, 2009; Мавлонов Ў.М., Каримов Я.А. Амударё сув йўлининг Марказий Осиё коммуникация тизимида туганган ўрни // Хоразм Ма'мун Akademiyasi axborotnomasi. – 2017. № 2/2017; Мавлонов У.М., Каримов Я.А., Артиков Х. Место Амударьинских переправ в коммуникационной системе Центральной Азии // The Newman in Foreign policy. – 2017. №38 (82). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mesto-amudarinskih-pereprav-v-kommunikatsionnoy-sisteme-sentralnoy-azii> [Мурожаат қилинган сана: 12.03.2022]; Сафаров Т.Т. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Ўрта Осиё савдо йўллари. Тарих фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент: 2009; Ўша муаллиф. Амударёда кемачилик ва юк ташиш // Жамият ва бошқарув. – 2008. №2; Сулайманов С.А. История Аральской и Амударьинской флотилий (1847-1920 гг.). Дис. ... канд. ист. наук. – Нукус, 2010; Ўша муаллиф. Орол ва Амударё флотилияси тарихи (1847-1920). Тарих фан. номз... дисс. афтореф. – Нукус: ЎзФА ҚБ, 2010; Из истории Амударьинской флотилии // Материалы международной конференции «Устойчивое развитие южного Приаралья». – Нукус: Изд.«Илим» ККО АН РУ, 2011; Амударё флотилиясининг ташкил топиши ва фаолияти // «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий ҳаёт: тарих ва таҳлил» мавзусидаги Республика илмий анжумани мақолалар тўплами. – Термиз, 2014; Каримов Я.А. Марказий Осиё коммуникация тизимида сув йўлларининг туганган ўрни (қадимги давр ва ўрта асрларда Амударё ва Сирдарё мисолида). Тарих фан. бўй. фалс. докт. (PhD) ... дисс. афтореф. – Нукус, 2020; Karimov Y.A. Military strategic significance of the Amu Darya waterway in ancient period and middle ages // Central Asian Problems of Modern Science and Education. – 2019. Vol.3. Iss. 4.

<sup>10</sup> Турсунов С., Қобилоv Э., Пардаев Т. ва бошқ. Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001; Турсунов С., Кичкилов Х. Термиз йилномаси. – Тошкент: Шарқ, 2001; Турсунов С., Қобилоv Э., Муртазоев Б. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2004; Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент: O'qituvchi, 2005; Қобулов Э.А. Сурхон воҳаси хўжалиги. – Тошкент: Akademnashr, 2012; Ўша муаллиф. Место долины Сурхан в торговых сношениях России с восточными странами // Universum: Общественные науки: ЭНЖ. – 2015. № 1-2 (12); Шарқ давлатлари билан савдо алоқаларида Амударё кечувларининг ўрни // Илмий таҳлилий ахборот (Тошкент Ислom университети). – 2016. № 4; XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Сурхон воҳаси хўжалиги. Тарих фанлари доктори (DSc) ... дисс. – Тошкент, 2019; Алимова Р.Р. Ўрта Осиё хонликларининг қўшни давлатлар билан дипломатик ва савдо-иқтисодий муносабатлари (XVI-XX аср бошлари рус тарихшунослиги ва манбалари асосида). – Тошкент: ТДШИ, 2017; Ўша муаллиф. XIX – XX аср бошларида Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар тарихшунослигига доир // Sharqshunoslik / Востоковедение / Oriental Studies. 2019. № 3; Саидов Ш. XIX – XX асрнинг биринчи чорагида Хоразм – Россия муносабатлари. – Тошкент: ТДШИ, 2019; Разоқов Д.Х. Бухоро хонлигининг ташки савдо алоқалари (XIX асрнинг 60-90 йиллари). Тарих фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1994; Очилдиев Ф.Б. XIX-XX аср бошларида Жанубий Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ҳаёт (Сурхон воҳаси мисолида): Тарих фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007; Ўша муаллиф. Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари). – Тошкент: ABU MATBUOT-KONSALT, 2008; The creation of the Amudarya Fleet // Theoretical & Applied Science. – 2019. Iss.10, Vol. 78. URL: <http://www.t-science.org/axivDOI/2019/10-78/PDF/10-78-105.pdf> [Мурожаат қилинган сана: 12.03.2022]; Trade relations between Bukhara and Russia in the second half of the XIX century the beginning of the XX century // Social Sciences: Achievements and Prospects Journal. 3(11), - 2019; Турсунов Н. Амударё флотилияси тарихидан // Маънавий ҳаёт. – 2018. № 2; Ўша муаллиф. The history of Amudarya flotilla // Theoretical & Applied Science. – 2019. Iss.11, Vol. 79. URL: <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2019.11.79.24> [Мурожаат қилинган сана: 12.03.2022]; Хидиров Х.Ж. Ўзбекистонда транспорт соҳаси: натижалар ва муаммолар (XX асрда Сурхон воҳаси мисолида). Тарих фан. бўй. фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Термиз, 2021; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда транспорт соҳаси: натижалар ва муаммолар (XX асрда Сурхон воҳаси мисолида). – Тошкент: Тафаккур авлоди, 2021; Жуманиёзов Ф.Б. Хоразм транспорти: шаклланиши, тараққиёти, муаммолари. Тарих фан. бўй. фалс. докт. (PhD) ... дисс. – Бухоро, 2021.

А.Борнс, Ҳ.Вамбери ва О.Олуфсенларнинг эсдалик асарларида Амударёнинг гидрогеографик ҳолати, сув йўллари ва йўналишлари, дарёдаги кема қатнови ҳамда кемасозлик аҳволи тўғрисидаги муҳим маълумотлар келтирилган<sup>11</sup>. Шунингдек, А.Гамильтон, М.Ҳолдсворт, С.Бекер, А.Д.Васильев, А.В.Кочнев, Ю.Шодипур, Н.М.Назаршоевларнинг тадқиқотларида ҳам мавзунинг айрим жиҳатлари ёритилган<sup>12</sup>.

Мавзунинг тарихшунослигига доир адабиётлар ва материалларнинг таҳлили натижаси шуни кўрсатадики, Амударё сув йўли, кечувлари орқали савдо-транзит алоқалари маълум бир даврий чегараларда, коммуникация алоқалари тарихи билан боғлиқ равишда умумий ёритилган бўлиб, масала моҳияти яхлит, атрофлича ҳамда ўзаро боғлиқликда ўрганилмаган. Бу эса мазкур мавзуни диссертация сифатида тадқиқ қилишни тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №АТД-1 «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи: муносабатлар ва қарашлар» (2015-2021 йй.) мавзусидаги тадқиқот доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади XIX-XX аср бошларида Марказий Осиё коммуникацияси, савдо-транзит алоқаларида Амударё сув йўли ва кечувларининг ўрнини очиқ беришдан иборат.**

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Амударёнинг сув йўли ва кечувларини табиий-географик ҳамда тарихий жиҳатдан ўрганиш;

Россия империясининг Амударёдаги сиёсий-иқтисодий ва ҳарбий-стратегик мақсадларини ёритиш;

Амударёдаги маҳаллий кема ва қайиқлар ҳақида XIX-XX аср бошларига оид ёзма ва архив манбаларида келтирилган маълумотларни қиёсий таҳлил этиб, кема-қайиқларнинг тузилишини солиштириш;

---

<sup>11</sup> Борнс А. Путешествие в Бухару: рассказ о плавание по Инду от моря до Лагара с подарками Великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию, предпринятом по предписанию Высшего правительства Индии в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом Ост-Индийской компанейской службы Александром Борнсом, членом королевского общества / Перевел с английского Георг Минь. Ч.3. – М.: Издание П.В. Голубкова, 1849; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Описание поездки из Тегерана через Туркменскую степь по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самаркандь, совершенной в 1863 году Арминием Вамбери, членом Венгерской Академии. – СПб., 1865; Вамбери А. Путешествие по Средней Азии / Пер. с нем. З.Д. Голубевой под ред. В.А. Ромодина; Предисл. В.А. Ромодина; Коммент. В.А. Ромодина, С.Г.Агаджанова. – М.: Восточная литература, 2003; Olufsen O. The Emir of Bokhara and his country (Journeys and studies in Bokhara: with a chapter on my voyage on the Amu Darya to Khiva). – London: William Heinemann, 1911.

<sup>12</sup> Hamilton A. Afghanistan. – London: William Heinemann, 1906; Гамильтон А. Афганистан. (Гератская и Кандагарская провинции) / Перевод с английского. – Ташкент: Элек.-пар. типо-лит. Штаба Турк. воен. округа, 1911; Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth century. A Brief History of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959; Becker S. Russia's Protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865–1924. – London; – New York: Routledge Curzon, 2004; Васильев А.Д. Амударьинская флотилия и её роль в истории Центральной Азии (вторая половина XIX - начало XX в.) // Восточный архив. №2 (32), 2015; Кочнев А.В. Политика России в отношении Хивинского ханства в начале XVIII – второй половине XIX в. Дис. на соиск. ... к.и.н. – Екатеринбург, 2018; Ю.Шодипур. История путей сообщения и транспорта Таджикистана во второй половине XIX – начале XX в. Автореф. дис. ... канд. ист. наук. – Душанбе, 1992; Назаршоев Н.М. На южном рубеже. Российские пограничники в Таджикистане XIX–XXI вв. – М.: Яуза-каталог, 2017.

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида дарёдаги маҳаллий кемалар қатнови ва юк транзити тартибларида рўй берган ўзгаришларни тадқиқ этиш;

Амударёда рус флотилияси ва кемачилигининг шаклланиши, шунингдек, флотилия пароходлари навигациясини ёритиш ҳамда уларнинг фаолиятини таҳлил этиш;

Амударё кечувлари орқали Афғонистон ва Ҳиндистон билан олиб борилган ташқи савдо ҳамда транзит алоқаларининг ривожини очиб бериш;

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида рус флотилияси ва кемачилигининг минтақа транзитидаги аҳамиятини илмий жиҳатдан кўрсатиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Марказий Осиёнинг XIX-XX аср бошларидаги коммуникацияси ва савдо-транзит алоқаларини Амударё сув йўли, кечувлари ҳамда ундаги сув транспорти тарихи мисолида ёритиш белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Амударёнинг XIX-XX аср бошларида минтақа коммуникацияси, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва савдо-транзит алоқаларидаги аҳамиятини ўрганиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни амалга оширишда холислик, даврий ва ҳудудий-географик, қиёсий таҳлил, статистик, илмий изчиллик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

иқтисодий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган Амударё (Панж билан бирга)да 70 дан ортиқ кечувлар бўлганлиги аниқланиб, улар минтақадаги қуруқлик ҳамда сув йўллариининг ўзаро кесишган ҳудудларини боғловчи кўприк сифатида қадимдан халқларни бирлаштирувчи восита эканлиги далилланган;

XIX-XX аср бошларида Амударёдаги маҳаллий ва рус кемачилиги ҳолати, сув транспорти воситалари навигацияси, юк транзитидаги ўзгаришлар очиб берилиб, кемалардан ҳарбий-стратегик мақсадларда фойдаланилганлиги, уларнинг транзит алоқаларида манзилларга тез ҳамда камхарж етказиб бериш воситаси эканлиги далилланган;

дастлаб ҳарбий-стратегик мақсадлар учун ташкил этилган Амударё флотилияси кейинчалик Бухоро амирлиги, Хива хонлиги ва Амударё бўлимининг дарё бўйидаги аҳоли манзиллари, ҳарбий гарнизонлар, божхона-чегара пунктларини боғловчи муҳим аҳамиятга эга транзит ҳамда коммуникация тармоғига айланганлиги аниқланган;

Амударё орқали нафақат унинг атрофида яшовчи халқлар маҳсулотлари айирбошлаганлиги, балки сув йўли ва унга яқин савдо йўллари орқали бутун минтақа давлатлари билан фаол савдо-сотик ҳамда транзит алоқалари амалга оширилганлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

XIX-XX аср бошларида Амударё сув йўли ва кечувларининг минтақа коммуникацияси, савдо-транзит алоқаларидаги аҳамияти билан боғлиқ тарихий манбалар ва архив ҳужжатларидаги янги маълумотлар ҳамда материаллар бир тизимга солиниб, умумлаштирилган;

тадқиқот жараёнида қўлга киритилган маълумотлар асосида тегишли хулосалар берилиб, улардан илмий тадқиқотларда, ўқув жараёнида фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда тарих фанидаги замонавий ёндошув ва усулларнинг қўлланилганлиги, кўплаб ёзма манбалар, архив хужжатлари, илмий адабиётлар, даврий матбуот материалларидан фойдаланилганлиги, келтирилган маълумотлар бирламчи манбаларга асосланганлиги, қўлга киритилган натижалар, хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти минтақа коммуникацияси, савдо-транзит алоқалари ривожига муҳим ўрин тутган Амударё сув йўли, кечувлари, ундаги кемачилик тарихига оид илмий-назарий билимларни янада кенгайтириб, олинган натижалар ижтимоий-гуманитар фанларни янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан олий ўқув юртлири талабалари учун Марказий Осиё дипломатик ва савдо муносабатлари тарихи бўйича махсус курслар ташкил қилишда, Ўзбекистон тарихининг тегишли бўлимлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ёзишда, туристик йўналишлар билан боғлиқ ёрдамчи қўлланма – маълумотномаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Мавзуга доир олиб борилган тадқиқотлар юзасидан ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва таклифлар асосида:

Амударё сув йўли, кечувлари, ундаги маҳаллий ва рус кемачилиги орқали минтақа коммуникацияси, савдо-транзит алоқалари ривожига тарихига оид маълумотлар Термиз давлат университети, Термиз давлат педагогика институти ва Денов тадбиркорлик ва педагогика институтларининг Тарих бакалавриат таълим йўналишидаги “Сурхондарё тарихи” номли ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 18 майдаги 89-01-373-сон маълумотномаси). Олинган натижалар танлов фани ўқув дастури ва қўлланмасини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилган;

Амударёнинг минтақадаги қуруқлик ва сув йўллариининг ўзаро кесишган ҳудудларини боғловчи кўприк сифатида азалдан халқларни бирлаштирувчи восита эканлиги, дарёдаги кечувлар, улар яқинида барпо этилган шаҳарлар сув йўлини назорат қилганлиги ҳақидаги маълумотлардан Сурхондарё вилоят транспорт бошқармасининг ижтимоий тармоқ (саҳифа)ларидаги дарё транспортига оид материалларни кенг тарғиб қилишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 2022 йил 26 апрелдаги 2/2419-3372-сон маълумотномаси). Натижалар Амударё сув йўли ва унда ҳаракатланган дарё транспорти воситаларининг шаклланиши ҳақидаги маълумотларни бойитиб, транспорт соҳаси ходимларининг билимларини оширишга хизмат қилган;

XIX-XX аср бошларида Амударё сув йўли, кечувлари ҳолати, ундаги маҳаллий ва рус тижорий кемачилиги тартиблари, пароходлар навигацияси ҳамда юк транзитидаги ўзгаришлар тўғрисидаги илмий-тарихий маълумотлардан “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Тақдимот” кўрсатуви сценарийсини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 25 апрелдаги 02-31-772-сон маълумотномаси). Тақдим этилган маълумотлар Амударё ва минтақадаги сув йўллари ҳақида “O‘zbekiston tarixi” телеканалда туркум телекўрсатувларни тайёрлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари жами 9 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 6 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та (улардан 5 таси республика ва 2 таси хориж журналларида) мақола, 9 та (улардан 3 таси халқаро ва 6 таси республика) илмий-амалий анжуманларда тезислар эълон қилинган.

**Диссертациянинг умумий ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 140 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Амударё сув йўли ва кечувларининг тавсифи ва стратегик аҳамияти**” деб номланиб, мазкур боб иккита параграфдан ташкил топган. Бобнинг биринчи параграфи “*Амударё сув йўли, кечувларининг табиий-географик ва тарихий тавсифи*”га бағишланган.

Қадимги даврлардан бошлаб Амударё Марказий Осиё халқларининг хўжалик турмуш тарзи ва ҳамкорлик алоқаларида бешик ролини бажарган. Тарихга назар солсак, дарёлар ҳамиша бирлаштирувчи восита бўлиб, ҳеч қачон икки соҳилдаги халқларни ажратувчи тўсиқ ҳисобланмаган<sup>13</sup>. Шу сабабли, Амударёнинг ҳам ҳар икки соҳилида битта халқ яшаб, улар ўртасида тўхтовсиз алоқалар амалга оширилган. Амударё минтақанинг бошқа катта дарёлари каби учламчи даврнинг иккинчи ярмида, тахминан 22 минг йил олдин, яъни Голоцен

<sup>13</sup> Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // Советская археология. XIX. – М., 1954. – С.123.

даврининг охирларида шакллана бошлаган. Тахминан биринчи минг йилликнинг бошларида Амударёнинг ҳозирги ҳавзаси шаклланиши яқунланган<sup>14</sup>.

Амударё қирғоқлари ва туби барқарор бўлмай, қирғоқ қумли бўлгани учун дарё ўзани тез-тез ўзгариб турган. Белгиланган махсус талаблар бўйича ясалган кемалар Кўкча дарёсининг Амударёга қуйилишидан то Орол денгизигача бўлган тахминан 1400 верст (Орол денгизи шимолий қисмигача ҳисобланса 1750 верст)ли масофада қатнай олган<sup>15</sup>. Бухоро амирлигидан оқиб ўтувчи Амударёнинг 402 верстли масофасида пароход қатнови йўлга қўйилган<sup>16</sup>.

Дарёдаги кечув жойларни танлаш дарёнинг тор ва қулай табиий ўтиш жойлари, яқин аҳоли манзиллари ёки воҳалар бўйлаб келувчи яқин транзит савдо йўлларига боғлиқ бўлган. Амударёнинг юқори қисмидан (Панж дарёси билан бирга) то қуйи оқимига қадар жойлашган 70 дан ортиқ кечувларнинг рўйхати ва улар ҳақидаги қисқача тавсифи ҳам диссертациянинг ушбу параграфида келтирилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи *“Россия империясининг Амударёдаги сиёсий-иқтисодий ва ҳарбий-стратегик мақсадлари”* деб номланиб, унда Россия империясининг Марказий Осиё сув йўлларини ўрганишдан асосий мақсади, ўлкага савдогар, элчи, жосуслар юборилиши ва уларга Амударё сув йўлидан фойдаланиш имкониятлари ўрганиш вазифасининг юклатилиши, XIX асрнинг 20-30 йилларидан Ўрта Осиёда инглиз-рус рақобати кучайиши натижасида Амударёнинг ҳарбий-стратегик мавқеининг ошиши масалалари ёритиб берилган.

1819 йил Хивада бўлган рус элчиси Н.Муравьев Амударё сув йўлининг муҳим стратегик ўрнини таъкидлаб, ўз мулоҳазаларида Хива хонлигини босиб олиш режасини илгари суради: “Агар Хива бизнинг қўлимизда бўлса, у вақтда Амударё орқали Россия билан Ҳинд савдоси вужудга келган бўларди. Ўрта ва Шарқий Осиёнинг бутун бойликлари Россия қўлига ўтиб, Пётр I нинг васияти амалга ошган бўлар эди”<sup>17</sup>. XIX асрнинг 20-30 йилларидан Ўрта Осиёда инглиз-рус рақобати сабабли Буюк Британия ҳам Ҳиндистон орқали махсус миссия ва экспедицияларини юбора бошлаган. Дастлаб, 1831-1833 йилларда Қобул ва Бухорога юборилган А.Борнс бошчилигидаги инглиз миссиясига Ҳинд дарёси бўйлаб Ҳиндистондан Ўрта Осиёга борадиган янги савдо йўлини очиш ва дарёлар орқали инглиз молларини келтириш вазифаси берилган эди<sup>18</sup>. А.Борнснинг Амударё сув йўли ҳақидаги қуйидаги фикрлари ўша давр учун муҳим маълумот саналган: “Маҳаллий аҳоли Амударёдан ўз имкониятларидан анча паст даражада фойдаланаяпти, дарёда бор йўғи 200 га яқин кемалар бор, дарё орқали савдо

<sup>14</sup> Кесь А.С. Аральское море в голоцене // Этнография и археология Средней Азии. – М., 1979. – С.19-23.

<sup>15</sup> Цинзерлинг В.В. Орошение на Аму-Дарье. – М.: Упр. вод. хоз. Средней Азии, 1927. – С. 596.

<sup>16</sup> Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. Том I. – СПб.: В.Березовский, 1911. – С.228.

<sup>17</sup> Муравьев Н. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819 и 1820 годах ... – С.102; Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX в.). – М.: Наука, 1974. –С.127; Кочнев А.В. Политика России в отношении Хивинского ханства в начале XVIII – второй половине XIX в. Дис. на соиск. ... к.и.н. – Екатеринбург, 2018. – С.107.

<sup>18</sup> Мухаммаджонов А.Р., Неъматов Т. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар (XIX асрнинг 20-50 йиллари). – Тошкент: ЎзССР ФА, 1957. – Б.63.

имкониятларини ошириш учун бутун бошли флот барпо қилиш имкони мавжуд ва дарёдан тижорат, кўпроқ ҳарбий мақсадда фойдаланиш мумкин”<sup>19</sup>. Бу маълумотлар, албатта, Амударёнинг минтақадаги иқтисодий ва геостратегик аҳамиятини янада ошириб, унга рус ҳукмрон доираларининг қизиқишини янада ортган.

XIX асрнинг 40-50 йилларида Амударёнинг минтақадаги сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан аҳамияти янада ошиб, унда ҳукмронлик рус доиралари учун асосий масалалардан бирига айланди. Бу мақсад 1858 йилда Хива ва Бухорога юборилган полковник Н.Игнатъев бошлиқ дипломатик миссиянинг ҳам диққат марказида турган<sup>20</sup>.

Марказий Осиёда ички ва ташқи алоқаларнинг ривож, карвонларнинг узлуксиз ҳаракати бевосита Амударё ва у орқали ўтувчи савдо йўлларига боғлиқ бўлган. Россия империяси ҳарбийлари Бухоро амирлиги орқали нафақат Афғонистонда, балки Ҳиндистонда ҳам ишлаб чиқарилган инглиз товарлари кўплаб келаётганлига эътибор қаратиб, унга қарши зарур чоралар кўрган. Хусусан, савдо йўллари яхшилашга эътибор қаратилди<sup>21</sup>. Бундан ташқари, Ўрта Осиёда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгач, саноат эҳтиёжи учун муҳим хомашё ҳисобланган пахтага талаб ортди. Шу боисдан савдо йўллари кенгайтириш ва жадалаштиришга эътибор кучайди. Аввало, сув йўлларида имкон борича кўпроқ фойдаланишга интилишди. Биринчидан, сув йўлларида талончилик қуруқлик йўлларига нисбатан камроқ эди. Иккинчидан, сув йўли билан товарларни ташиш нисбатан арзонга тушарди<sup>22</sup>. Юқоридаги омиллар сабаб Россия империяси ўлкадаги сув йўлларига жиддий эътибор қаратган.

Рус ҳарбийси А.И.Глуховскийнинг “Бутун Амударё ҳавзасини Англия таъсиридан узоқда сақлаш ва пахта хомашёсининг муҳим манбаи сифатида бу ҳудудларни Россия таъсири остига олиш зарур”<sup>23</sup> – деган фикри орқали Россия мустамлакачилик империясини минтақада олиб борган сиёсатининг асл мақсадини баён қилган эди. Россия империяси Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги устидан ўз протекторатини ўрнатгандан сўнг улар билан имзоланган (1873 йилдаги) шартномаларда амалда рус кемачилигининг Амударёдан фойдаланиш ваколатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди.

Минтақа хонликлари Россия империяси вассалига айланганидан кейин Амударёни ўрганиш ишлари ҳам анча жонланган. Жумладан, Амударё бўйлаб кема қатновини ўрганиш ишлари олиб борилган. Амударёдан сув алоқаси воситаси сифатида фойдаланиш бўйича якуний ижобий қарор Россия Император флоти адмирали Батурин экспедицияси билан боғлиқдир. Батурин Амударёнинг юқори оқими ва қуйи Панж дарёларидаги гидрографик

<sup>19</sup> Борнс А. Путешествие в Бухару: рассказ о плавание по Инду ... – С. 283-286; Халфин Н.А. Присоединение Средней Азии к России (60-90-е годы XIX в.). – М.: Наука, 1965. – С. 103.

<sup>20</sup> Игнатъев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1858 году флигель-адъютанта полковника Н.Игнатъева. – СПб., 1897. – С. 30, 135, 214.

<sup>21</sup> Мазов С. Восточная Бухара, Бадахшан и северный Афганистан // Туркестанский сборник. Том 404. – СПб., 1883. – С.12-13.

<sup>22</sup> Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги. – Тошкент: Akademnashr, 2012. – Б.331.

<sup>23</sup> Becker S. Russia's Protectorates in Central Asia: Bukhara and Khiva, 1865–1924. – London; New York: Routledge Curzon, 2004. – P.27.

кузатувлари натижасида қуйидаги хулоса келди: “Амударё ва Панж дарёлари 1 апрелдан то ноябрь ойигача сувга кам ботувчи ясси тагли кемалар қатнови учун тўлиқ яроқли. Агар ноябрь – март ойлари (беш ой)да сув сатҳи 2,5 футдан ошиқ бўлса, Каркидан Файзободқалъагача йил давомида кема қатнаши мумкин”<sup>24</sup>. Бу экспедиция Амударё ва Қуйи Панждан тўлиқ сув алоқаси воситаси сифатида фойдаланиш мумкинлигини тасдиқлади.

Россия мустамлакачилик империясининг минтақада олиб борган сиёсатининг асл мақсадларидан бири Амударёда ўз манфаатлари устунлигини таъминлаш эди. 1894 йил 6 июлда қабул қилинган Қонунга мувофиқ, Амударё кечувларида рус божхона пунктларининг ташкил этилиши билан минтақанинг Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистон билан олиб бориладиган савдо-транзит алоқалари империя ҳукмрон доираларининг манфаатларига бўйсундирилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Амударёдаги коммуникация тизими ривожда маҳаллий ва рус кемачилигининг ўрни**” деб номланиб, мазкур бобда Амударё кемасозлигининг тарихи, дарёдаги маҳаллий кемачилик ва транзит қатнови тартиблари ҳамда Амударё флотилияси фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Диссертация иккинчи бобининг биринчи параграфи “*XIX-XX аср бошларида Амударё кемасозлигининг ривож*” деб номланиб, унда кемасозлик ҳолати, дарёда ҳаракатланган қайиқлар ва кемалар ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган.

Амударё ўз оқим қирғоқларининг тез-тез ўзгариб туриши, лойқалиги сабаб ўтиш йўлларида қум, грунтларнинг тўпланиб қолиши кема ҳамда қайиқларнинг ҳаракатига сезиларли таъсир кўрсатган. Шунинг учун маҳаллий кема ва қайиқлар сувга чуқур ботмаслиги учун ясси тагли, кучли оқимга қарши сузиш учун тор бортли қилиб ёғочдан ясалган<sup>25</sup>. Бу даврда Амударёда бир хил ўлчамли кема ва қайиқларни топиш қийин эди, яъни улар турли ўлчамларда ясаларди. Чунки маҳаллий кема ва қайиқлар аниқ бир физик, техник ва кемачилик қоидалари бўйича эмас, балки маҳаллий усталар тажрибаларига асосланган ҳолда ясалган. Бундан ташқари, кемасозликда ишлатиладиган ёғочлар ўлчами турли хил бўлгани учун қайиқлар ўлчами ҳар хил узунлик ва қалинликда бўлиб, уларнинг сувга ботиши ҳам турлича эди. Шунинг учун ҳам манбалардаги кема - қайиқларнинг тузилиши, ўлчами ва юк ташиш ҳажми ҳақидаги маълумотларни умумлаштириб, уларни катта, ўрта ҳамда кичик қайиқларга ажратиш мумкин: 2000-5000 пуд юк кўтарувчи – катта қайиқлар, 100-500 пуд юк кўтарувчи – ўртача қайиқлар, 100 пудгача юк кўтарувчи – кичик қайиқлар. Бухоро қайиқлари эса асосан 2 хил ўлчамда бўлган: катта қайиқлар (1500 пудгача юк кўтарадиган) ва ўртача қайиқлар (300-400 пуд юк кўтарувчи). Бундан ташқари 100 пудгача юк кўтарувчи кичик қайиқлар ҳақида маълумотлар кам эди<sup>26</sup>.

<sup>24</sup> Контр - адмирал Батулин. Отчёт об экспедиции в верховье р. Аму-Дарьи (1894 г.) // Сб. геог., топог. и стат. мат. по Азии. Вып. LXIV. – СПб., 1896. – С. 246-277.

<sup>25</sup> Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом ... – С. 210.

<sup>26</sup> Михайлов А. Каючный промысел на Амударье // Туркестанские ведомости. – 1908. № 212.

XIX – XX аср бошларида Хива хонлигининг Питнак, Хонқа, Гурлан, Хазорасп, Тошховуз бекликлари ҳамда Қорамаз ва Жаланди қишлоқлари аҳолиси қайиқсозлик билан шуғулланган<sup>27</sup>. Хоразмда хунармандлар хон рухсатисиз, буюртма эвазига кема ва қайиқлар ясаб бериши мумкин эди. Хивадан фарқли тарзда Бухоро амирлигида кема ва қайиқлар фақат амир рухсати билан тайёрланиб, кечувлардаги кема ва қайиқлар ҳам доимий назоратда бўлган. Амирликнинг Чоржўй, Бурдалиқ, Наразим, Карки, Калиф, Шеробод, Қободиён, Қарши бекликлари ва Қабокли, Башир, Макан, Қоракўл, Какайди қишлоқлари ҳамда Вахш, Сурхондарё ва Кофирниҳон дарёлари бўйида турли хил ўлчамдаги кема, қайиқлар ясалган. Бу даврдаги маҳаллий кемалар ясалишида, асосан, қаттиқ ва сувга чидамли дарахтлардан фойдаланилган. Хусусан, тол (қоратол ва оқтол), терак (“патта”), тўрангил – ёввойи тўқай тераги, қайрағоч, тут, арча, жийда, гужум дарахтлари кемачиликда асосий хомашё бўлган<sup>28</sup>. Хивада кемалар учун қора терак, терак, сариқ тол ёғочларидан ясалган<sup>29</sup>. Капитан Быковнинг ёзишича, кема ва қайиқ яшаш учун энг яхши тол нави бу – қоратол бўлган<sup>30</sup>. М.В.Грулевнинг таъкидлашича, кемалар тол ва маҳаллий аҳоли орасида “патта” номи билан машхур бўлган терак навидан тайёрланган<sup>31</sup>. Бундан кўриш мумкинки, аҳолида сув йўлларига бўлган талабнинг ошиши бевосита маҳаллий кемасозлик ривожига ҳам туртки бўлган.

Янги ясалган қайиқ ҳеч қандай таъмирсиз икки йил хизмат қила олган. Одатда қайиқлар катта дарёларда 4-5 йил хизмат қилгандан кейин бирлаштирилган ёғоч деворлари оралиғи очилиб, тирқишлар пайдо бўлган. Буларни таъмирласа қайиқ яна икки йилгача иш бериши мумкин эди<sup>32</sup>.

XX аср бошларидан минтақага Сибирнинг нинабаргли ўрмонларидан ёғочлар келтирилиши натижасида ўлкада рус хунармандлари ундан енгил ва пишиқ байдар қайиқлари ясай бошлади. Маълум ҳисоб-китоб меъёрлари асосида ясалган бундай байдар қайиқлари 15 йилгача хизмат қилган<sup>33</sup>. Булар

<sup>27</sup> Капитан Гинтылло. Сведения по интендантския части, собранные в Бухаре // Сб. геог., топог. и стат. мат. по Азии. Вып. XXI. – СПб., 1886. – С. 2-53; Михайлов А. Каючный промысел на Амударье ... № 212; Россия. Полное географическое описание нашего отечества: настольная и дорожная книга. Том 19. Туркестанский край / под ред. В.П. Семенова-Тянь-Шанского. сост. князь В.И. Масальский. – СПб.: Изд. А.Ф.Девриена, 1913. – С.571.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Миллий архиви (кейинги ўринларда Ўз МА), И-1-фонд, 22-рўйхат, 832-иш, 17,24-варақлар; Капитан Быков. Очерк переправ через реку Аму-Дарью ... – С.3-4; Ўша муаллиф. Очерк долины Аму-Дарьи ... – С. 64-66; Капитан Гинтылло. Сведения по интендантския части, собранные в Бухаре ... – С. 17-28; Капитан Архипов. Военная рекогносцировка равнинной части Бухарского ханства ... – С.195; Грулев М. В. Аму-Дарья (Очерк среднего течения) ... – С. 61-63; Михайлов А. Каючный промысел на Амударье ... № 212; Покотило Н.Н. Отчёт о поездке в пределы Центральной и Восточной Бухары в 1886 г. –Ташкент, 1888. – С. 37; Мавлонов Ў. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари ... – Б.223; Қобулов Э. Сурхон воҳаси хўжалиги ... – Б.274-275.

<sup>29</sup> Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми – XIX асрлар). – Тошкент: Фан, 1965. – Б.215.

<sup>30</sup> Быков. Очерк долины Аму-Дарьи ... – С. 66.

<sup>31</sup> Грулев М. В. Аму-Дарья (Очерк среднего течения) ... – С. 61; Ўша муаллиф. Некоторые географико – статистические данные ... – С.58.

<sup>32</sup> Михайлов А. Каючный промысел на Амударье ... № 213; Андронов А. Каючный транспорт в Средней Азии // Народное хозяйство Средней Азии. – Ташкент: Госиздат, 1926. № 8-9. – С. 108-112.

<sup>33</sup> Андронов А. Каючный транспорт в Средней Азии ... – С. 108-112.

кейинчалик маҳаллий аҳоли томонидан “ўрис кемалари” деб аталган<sup>34</sup>. Бу энгил қайиқлар кўпайиши натижасида маҳаллий тол қайиқлар аста-секин истеъмолдан сиқиб чиқарила бошланган.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “Амударёда маҳаллий кемачилик ва транзит қатнови тартиблари” деб номланиб, унда Хива ва Бухоро кема - қайиқларнинг дарёда қатнови, сузиш қоидалари, юк ташиши тартиблари ва нархлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Амударёда рус флотилияси ташкил қилинганга қадар Хива, Бухоро ва Афғон қайиқлари ҳаракат қилган<sup>35</sup>. Бу қайиқларда савдо юклари ва йўловчилар ташилган. Шу сабабдан Амударё бўйлаб асосан юк ташувчи қайиқлар сузган. Қайиқлар сони аниқ қайд қилинмаган, уларнинг сони доимий ўзгариб турган. Д.Н.Логофетнинг ҳисоби бўйича, XX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ўртасидаги ўзаро савдо алоқаларида 420 та Хива қайиқлари, 80 та Бухоро қайиқлари бўлган<sup>36</sup>. XX аср бошларида Амударё бўйлаб жами 1,5 млн. рублга нархланган, жами 1 млн. пудгача юк кўтарувчи 1,5 мингга яқин Хива қайиқлари сузган<sup>37</sup>. Кўплаб миқдордаги юкларни ташиш, юк ташишнинг яхшигина сердаромадлиги ва юкларни тез ҳамда арзон етказиб бериш зарурати маҳаллий кема эгаларининг қайиқлар сонини кўпайтиришга ундаган.

Кемалар сони, уларнинг қатнови мавсумга қараб ўзгариб турган. Амударёда ноябрь, декабрь, январь, февраль, март ойлари сузиш даври учун энг ноқулай пайт эди. Чунки бу вақтда дарёда сув сатҳи пасайган, шамоллар кўп бўлиши қатновни қийинлаштирган. Дарё ўзанининг бундай ўзгариши туфайли қатнов кундуз кунлари амалга оширилган. Амударёда сув оқими ҳолатига қараб кемани бошқарувчи дарға (лоцман) дейилган. Одатда кемаларда дарғадан ташқари яна 6-10 тагача кемачи хизмат қилган. XX аср бошларида эса кема-қайиқлар катталиги ва ортилган юк ҳажмига қараб катта қайиқлар – кемаларда 17-21 киши, ўртача қайиқ – кемаларда 12-15 киши ва кичик қайиқларда 9-12 киши хизмат қилган<sup>38</sup>. Шундай қилиб, ўртача ҳисобда Амударё бўйлаб 18-20 минг киши кемачилик ва қайиқчилик соҳасида банд бўлган<sup>39</sup>.

Тартибга кўра, кема ёки қайиқлар бортининг 1/4 қисми сувга ботишигача унга юк ортилган. Кемалар оқим бўйича қуйига кўпроқ юк оларди. Кема ва қайиқлар турли фавқулудда ҳолатлардан сақланиш ва хавфсиз бошқариш учун бир қатор қоидаларга риоя этиш талаб қилинган<sup>40</sup>.

<sup>34</sup> Нелюбин В.Я. Из опыта работы судоводителей Аму-Дарьи. – М.: Морской транспорт, 1958. – С.8; Ўша муаллиф. Аму-Дарья. – М.: Морской транспорт, 1963. – С.12-13; Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б. ва бошқ. Сурхондарё тарихи. – Тошкент: Шарк, 2004. – Б. 214.

<sup>35</sup> Кабулов Э.А. Место долины Сурхан в торговых сношениях России с восточными странами // Universum: Общественные науки: ЭНЖ. 2015. № 1-2 (12). <http://7universum.com/ru/social/archive/item/1969>

<sup>36</sup> Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом ... – С.212-213.

<sup>37</sup> Бенцелевич Н.А. Водные пути Туркестана. Материалы для описания русских рек и истории улучшения их судоходных условий. Вып. LV. – СПб.: М-во путей сообщения, 1914. – С.75-76.

<sup>38</sup> Досумов Я.М. Очерки истории Кара-калпакской АССР 1917-1927. – Ташкент: Фан, 1960. – С. 34.

<sup>39</sup> Бенцелевич Н.А. Водные пути Туркестана ... – С.76.

<sup>40</sup> Михайлов А. Каючный промысел на Амударье ... № 220; Сафаров Т. Амударёда кемачилик ва юк ташиш // Жамият ва бошқарув. – Т.: 2008, № 2. – Б.117-119.

